

ДИСТАЛ ПРИКУСДА ТУРЛИ ОРТОДОНТИК АППАРАТЛАР ЎРДАМИДА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ.

Исмоилова Д.Г.

Илмий раҳбар: Муратова.Г.А. Ортодонтия ва тишларни протезлаш
кафедраси ассистенти

Тошкент давлат стоматология институти, Ўзбекистон

Долзарблиги. Дистал прикус сагиттал сатх йўналишдаги прикус аномалияси . Барча аномалиялар ичида дистал прикус 18-19% ташкил этиб, унинг чин ва сохта турлари фарқланади.(Р.Н.Нигматов ва Ф.А Шамухамедовалар) буйича ,шунга асосан аномалияни тарқалиш даражаси, уни аниқлаш ва даволаш долзарб ҳисобланади.

Мақсад: Дистал прикусли беморларда механик ва аралаш таъсир қилувчи аппаратлар билан даволаш самарадорлигини аниқлаш.

Материал ва усуллар. Тадқиқот 8-14 ёшдаги дистал прикусли 20та қиз ва ўғил болаларда клиник, антропометрик, рентгенологик, фотометрик ва статистик текширишлар ўтказилди. Пациентлар тавсияланган аппаратлар турига боғланган ҳолда икки гуруҳга ажратилди:

- 1- икки жағли аралаш таъсир қилувчи аппарат таққан пациентлар;
- 2- механик таъсир қилувчи аппарат таққан пациентлар.

Натижалар. Икки гуруҳ пациентларнинг динамик кузатув натижалари (даволашдан олдин ва даволаш якунида), яъни антропометрик ва ТРГ -усулидаги текширув натижалари асосида даволанаётган 20 та пациентнинг 12 тасига юқори пастки жағига кенгайтирувчи ва пастки жағини олдинга чиқарувчи Твин -Блок аппарати қўлланилди . 8 та пациентга пастки жағини олдинга чиқарувчи Андрейзн -Гойпл аппаратлардан фойдаланилди.

Хулоса. Дистал прикусни механик таъсир қилувчи Твин - Блок аппарати билан даволаган 12та пациентдан 12 тасида (100%) ижобий натижага эришилди. Аралаш таъсир қилувчи Андрейзн-Гойпл аппаратлар билан даволанган 8та пациентдан 5тасида ижобий натижа олинди(62.5%).

Текширувларимизда асосан клиник, антропометрик ва цефалометрик кўрсаткичлари ўзаро мос бўлган, лекин аппарат турига дифференциал ёндошган ҳолда механик таъсир қилувчи Твин-Блок аппаратлар билан даволанган пациентларнинг даволаш самарадорлиги аралаш таъсир қилувчи Андрейзн- Гойпл аппаратлар билан даволанган шахсларга нисбатан юқори кўрсаткичларга эришиш имконини берди.

Адабиётлар

1. Доменюк, Д. А., et al. "Персонализированный подход в морфологической оценке кранио-и гнатометрических соотношений у людей с физиологическим прикусом постоянных зубов." Медицинский алфавит 3.24 (2018): 18-25.
2. Murtazaev, Saidmurodkhon Saidaloevich, Makhmud Zakirovich Dushmanamedov, and Saidazim Saidagzamovich Murtazaev. "Ethnic aspects of orthognathic bite." European science review 7-8 (2015): 80-84.
3. Арипова, Г. Э., et al. "ОРТОДОНТИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ДЕТЕЙ С ДИСТАЛЬНОЙ ОККЛЮЗИЕЙ ЗУБНЫХ РЯДОВ В ПЕРИОД СМЕНЫ

ПРИКУСА."

4.Расулова, Ш., et al. "Обоснование к учёту вертикального компонента роста при диагностике и планировании лечения у пациентов с дистальным прикусом." Медицина и инновации 1.1 (2021): 101-104.

5.Шомухамедова, Ф., Д. Сулейманова, and Г. Муротова. "ОЧИҚ ПРИКУСЛИ БЕМОРЛАРНИ ТАШХИСИ ВА УЛАРНИ ОРТОДОНТИК ДАВОЛАШ." Медицина и инновации 1.4 (2021): 442-446.

6.Олесов, Е. Е., and В. В. Уйба. "МЕДИКО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРОФИЛАКТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ ЗУБОЧЕЛЮСТНЫХ АНОМАЛИЙ У ДЕТЕЙ В ПЕРИОД РАННЕГО СМЕННОГО ПРИКУСА."

7.Расулова, Ш., et al. "Обоснование к учёту вертикального компонента роста при диагностике и планировании лечения у пациентов с дистальным прикусом." Медицина и инновации 1.1 (2021): 101-104.

ТИШЛАРНИНГЗИЧ ЖОЙЛАШУВИДА МИЛК РЕЦЕССИЯСИНИ УЧРАШ ДАРАЖАСИ

Исматуллаев Ж.А, ТДСИ 413- гурухстом. фак. талабаси.

*Илмийраҳбар: Сулейманова Д.А., Ортодонтия ва тишларни протезлаш
кафедраси ассистенти.*

Тошкент давлат стоматология институти, Ўзбекистон.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда сўнгги 25 йилда тиш-жағ аномалияларининг тарқанганлиги 34,6% га ортганлиги, мактабгача бўлган ёшдаги болаларда аномалиялар 42,1±1,1% га туғри келди, мактаб ўқувчиларида - 78,1 ± 0,8 % (Махсудов С.Н., Иргашев И.К. 2021)

Тиш -жағ тизими аномалияси ва деформацияси Тошкент шаҳрида 42,2 % га ўсиб бормокда (Нигматова И.М. , Нигматов Р.Н. , Шомухамедова Ф.А. 2019). Тишларнинг зич жойлашувини учраши 27,8% дан 33,7% ни ташкил қилиб, ҳамма аномалиялари ичида (Муртазаев С.С. 2006)

Замонавий адабиётларда милк рецессияси тишларни зич жойлашиши билан боғлиқлиги айтиб ўтилган, бу патологияни кўп тарқалганлигига қарамадан , у етарлича ўрганилмаган, учраш даражаси хақидаги маълумотлар аниқ эмас .

Тадқиқот мақсади. Болалар ва ўсмир ёшдаги болаларда тишларнинг зич жойлашганда милк рецессиясини учраш даражасини ўрганиш.

Материал ва усуллар . Замонавий адабиётларни анализ қилиш , текшириш, анкеталаштириш. Ортодонтик даволанаётган беморлар икки гуруҳга бўлиниб (болалар 7-8 ёш, ўсмирлар 14-18 ёш) 19 та бемор.

Гуруҳлар анализ қилиниб, рецессия даражаси, гигиена даражаси. Энгль бўйича тиш- жағ тизими аномалияси синфи аниқланди ва Калвеллис Д.А. ҳамда Хорошилкина Ф.Я бўйича ташхисланди.

Маълумотлар анализи ва статистик маълумотлар кўриб чиқилди.

Натижа ва муҳокама. Текширилган 7-8 ёш болалар (19 та болалар) нинг хаммасида тишлар аномалияси ва фронтал тишларнинг тиш қаторида зич жойлашуви аниқланди . 12 болалардан (7-8 ёш) 62±5,2% ва 7 та ўсмир ёшли